

658.1(043.3)

+ 338.24

Т-29

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўллёзма ҳуқуқида
УДК: 658.114.4+338.24(575.1)

ТАШХОДЖАЕВ МУХТОРХОН МАХСУДОВИЧ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
(“Ўзбекенгилсаноат” ДАҚ корхоналари мисолида)

08.00.13 – Менежмент

иктисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2012

658.1 (043.3)

+338.24

П-29

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иктисод фанлари доктори, профессор
Жумаев Нодир Хосиятович

Расмий оппонентлар:

иктисод фанлари доктори, профессор
Хошимов Акром Абдиевич

иктисод фанлари номзоди
Мустафаев Зафар Бурибаевич

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация химояси 2012 йил «13» Ч4016 соат 9⁰⁰ да
Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори
ilmий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар химояси бўйича
Д.067.06.01 ракамли ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ қўчаси, 49-үй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «13» Ч4016 да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари номзоди, доцент

A.N. Самадов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Мамлакатимизда йирик давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш бўйича боскичма-боскич амалга оширилган институционал ислоҳотлар натижасида иктиносидёт тармоқлари ва соҳаларида очик турдаги акциядорлик жамиятлари вужудга келди. Нисбатан киска давр ичida, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқукларини химоя килиш бўйича катор конунлар қабул қилинди ҳамда қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг хуқукий асослари шакллантирилди. Ҳозирги кунда мавжуд акциядорлик жамиятлари миллий иктиносидётнинг истиқболини белгилашда муҳим роль, ўйнамоқда ва улар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш орқали муҳим ижтимоий-иктиносий функцияларни бажармоқдалар.

Аммо, таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг суст фаолияти корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш, унга ички ва ташки инвестицияларни жалб этишини кенгайтириш, истиқболли корпоратив стратегияни амалга ошириш ва шу каби бошқа устувор вазифаларни ҳал этишини кечиқтиримокда.

Шу нуктаи назардан, мамлакатимиз Президенти И. Каримов ўз маъруzasида: “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида”ги Конунни танқидий кайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул килиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, хукуклари ва жавобгарлигини янада аник белгилаш лозим”лигини таъкидлаши ўта муҳим аҳамият касб этди¹.

Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чукур кайта ишлаш ва ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида саноат улушини кенгайтириш, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иктиносий инкирози шароитида мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда енгил саноат корхоналарининг ўрни бекиёсdir. Ўзбекистон енгил саноат корхоналари улкан салоҳиятга эга бўлгани ҳолда, мавжуд имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиш масалалари ҳамон муаммолигича қолмоқда. Мамлакатимизда енгил саноат соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши, ҳалқaro бозорларда ракобатбардош бўлиши ўз-ўзидан бошқарувнинг сифати, унинг амалий механизмларини замонавий талаблар асосида ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиkdir. Шундай экан, иктиносидётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификация килиш шароитида мамлакатимиз иктиносидётнинг муҳим кисми бўлган енгил саноат корхоналарида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, акциядорлик жамиятлари ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва самарали ички назорат тизимини шакллантириш, шунингдек, ички корпоратив меъёрий-хуқукий механизмларини такомиллаштириш ҳал этилиши кутилаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 октябрь.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув асосларини илмий жиҳатдан тадқик этиш билан боғлик муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан И.Ансофф, В.Антонов, В.Багов, А.Бандурин, Н.Берзон, О.Вихерский, В.Мамай, А.Родыгин, Р.Энтов, Л.Кошкин, М.Б.Крук, С.Кукура, Д.Михайлов, Г.Александр, Дж. Бейли, В.Золотогоров, А.Мертенс, Л.Павлова, Ф.Тумусов, У.Шарп кабиларнинг илмий ишларида ўрганилган¹.

Республика иқтисодчи олимларидан Б.Ходиев, Б.Беркинов, И.Бутиков, Н.Жумаев, Д.Суюнов, М.Хамидуллин, А.Хошимов, Р.Карлибаева, С.Гуломов, Ж.Фаттахова, К.Толипов, Р.Яушев Н.Турсунов, М.Амонбоеv, Г.Умароваларнинг асарларида саноат корхоналарида корпоратив бошқарув, инвестициялар ва маҳаллий тўқимачилик саноати корхоналари ракобатбардошлигини ошириш муаммоларини илмий жиҳатдан тадқик этилган².

Республикамизда ривожланишининг янги босқичига ўтиш, ишлаб чиқаришни модернизация килиш, техник ва технологик янгилашда енгил саноат корхоналарида бошқарувни такомиллаштириш, сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, инвестиция фаолиятини кучайтириш ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш учун корпоратив бошқарувни такомиллаштириш мустакил тадқикот обьекти сифатида илмий-услубий ҳамда амалий жиҳатдан тадқик этилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқикот ишлари режалари билан

¹ Ансофф И.Х. Новая корпоративная стратегия / Пер. с англ. – СПб: ПитерКом, 1999. – 416 с.; Антонов В.Г. и др. Корпоративное управление: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 288 с.; Багов В.П. Корпоративный менеджмент. – М.: Изд-во РЭА, 1999. – 246 с.; Бандурин А.В. Деятельность корпорации: монография. – М.,1999. – 600 с.; Берzon Н.И. и др. Акционерное общество: капитал, правовая база, управление. – М.: Финстатинформ, 1995. – 156 с.; Вихерский О.С. Стратегическое управление. – М.: Гардарика, 1998. – 296 с.; Мамай В. Акционерные общества: Защита интересов акционера. – М.: Контур, 1998. – 80 с.; Родыгин А., Энтов Р. Корпоративное управление и защита прав собственности: эмпирический анализ и актуальные направления реформ. – М.: Институт экономики переходного периода, 2001. – 175 с.; Кошкин Л.И. и др. Менеджмент на промышленном предприятии. – М.: Наука, 2000. – 204 с.; Крук М.Б. Современные формы и механизм корпоративного управления. – М.: Экономика, 2000. – 357 с.; Кукура С.П. Теория корпоративного управления. – М.: Экономика, 2004. – 478 с.; Михайлов Д.М. Эффективное корпоративное управление: Учеб. пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 448 с.; Александров Г., Бейли Дж. Инвестиции / Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М., 1997. – 979 с.; Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб. пособие. – М.: ИИЛ Эксперспектива, 1998. – С. 11-443.; Мертенс А.В. Инвестиции: курс лекций по современной финансовой теории. – Киев: Киевское инвестиционное агентство, 1997. – С. 41.; Павлова Л.И. Финансовый менеджмент. Управление денежным оборотом предприятия: Учебник для ВУЗов. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1995. – С. 194.; Шарп У., Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы, практика. – М.: Экономика, 1999. – 267 с.

² Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув: Ўкув кўйлланма. – Т.: ADIB, 2010. – 190 б.; Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления. – Т.: Изд-во Национальной библиотеки им. А.Навои, 2005. – 127 с.; Бутиков И.Л. Кимматил коғозлар бозори. – Т.: «Консаудитингформ», 2001. – 494 б.; Жумаев Н. ва б. Жаҳон молиявий – иқтисодий инкоризи: сабаблари ва унн бартараф этиш муаммолари. – Т.: Akademnashr, 2010 й. – 160 б.; Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва очимлар: монография. – Т.: Академия, 2007. – 200 б.; Хошимов А.А. Ўзбекистонда интеграцияшган корпорацияларни бошқарни: Монография. – Т.: Шарк, 2006. – 165 б.; Фаттахова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф., Хамидуллин М.Б. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари. – Т.: ИТМ, 2006. – 79 б.; Гуломов С.С. ва б. Корпоратив хукук. – Т.: Фан, 2004. – 703 б.; Карлибаева Р.Х. ва б. Корпоратив молия. – Т.: ТДИУ, 2010. – 260 б.; Умарова Г. Енгиз саноат тармогида инвестицияларни бошқариши такомиллаштириш йўллари: и.ф. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2011. – 21 б.; Турсунов Н. Маркетинговое управление предприятиями текстильной промышленности Узбекистана в условиях конкуренции: автореф. дис. ... к.э.н. – Т.: ТГЭУ, 2008. – 24 с.; Амонбоеv M. Корпоратив корхоналар фаолиятини инновационни бошқарши шароитида ишлаб чиқаришни модернизацияшнинг асосий йўналишлари: и.ф. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2011. – 21 б.

боғликлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқикот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқикот максади: иқтисодиётни модернизация килиш шароитида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга каратилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чикишдан иборат.

Тадқикот вазифалари. Тадқикотнинг максадидан келиб чиқиб, куйидаги вазифалар кўйилди:

– акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий ахамияти, хусусиятлари, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-хукукий асосларини ёритиш;

– енгил саноат корхоналаридаги амалда мавжуд корпоратив бошқарув тизимини “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналари мисолида тахлил этиш, тизимнинг ислоҳ килинишига сабаб бўлган объектив омилларни очиб бериш;

– корпоратив бошқарув механизмидаги замонавий муаммолар ва уларни бартараф этишнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш;

– “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарида корпоратив назорат механизmlарини ўрганиш ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишларини ишлаб чикиш;

– акциядорлик жамиятлари иқтисодий самарадорлигини манфаатдор субъектлар (акциядорлар, мулк эгалари, давлат, молия тузилмалари, хўжалик ҳамкорлари) томонидан баҳолаш кўрсаткичларини тахлил килиш;

– корпоратив бошқарув муаммоларини ҳал этиш йўллари ва ички корпоратив меъёрий-хукукий механизmlарини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чикиш.

Тадқикот обьекти ва предмети. Тадқикот обьекти бўлиб, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида фаолият юритувчи корхоналарда корпоратив бошқарувни ташкил этиш амалиёти хисобланади.

Тадқикот предметини акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ташкил этиш жараённада юзага келадиган иқтисодий-корпоратив муносабатлар ташкил этади.

Тадқикот усуллари. Диссертацияда тизимли ёнлашув, гурухлаш, киёсий, таркибий ва статистик тахлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқикот гипотезаси. Тадқикот иши натижасида ишлаб чикилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга кўлланилиши енгил саноат корхоналарида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат килади.

Химояга олиб чиқилаётган асосий холатлар:

– акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган корпоратив бошқарувнинг илмий-назарий жихатдан ўрганилиши ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпоратив бошқарув механизми хусусиятларининг аникланиши;

– енгил саноат корхоналаридаги амалда мавжуд бўлган корпоратив бошқарув тизимининг тахлил қилиниши, ушбу тизимнинг ислоҳ килинишига

асос бўлган ижобий жиҳатлар ва камчиликларнинг очиб берилиши;

– “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарида корпоратив бошқарув холатининг тахлил килиниши, корпоратив назорат механизmlарини такомиллаштириш бўйича хulosалар берилиши;

– акциядорлик жамиятлари иктисодий самараадорлигини турли субъектлар (акциядорлар, мулк эгалари, давлат, молия тузилмалари, хўжалик ҳамкорлари) томонидан баҳолаш кўрсаткичлари, молиявий ҳолати ва мавжуд имтиёзлар тизимини илмий тадқик этиш оркали уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар;

– корпоратив бошқарувнинг ички меъёрий-хуқукий механизmlарини такомиллаштириш бўйича тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги:

– корпоратив бошқарув бўйича назарий қарашлар ва таърифлар, акциядорлик жамиятларининг бошқариши хусусиятларини тадқик этиш асосида корпоратив бошқарув тизимининг назарий-услубий модели ишлаб чикилди;

– акциядорлик жамиятларида акциядорлар ва менежерлар муносабатлари тадқик этилиб, акциядорларнинг менежерларга таъсири воситалари илмий жиҳатдан асослаб берилди;

– акциядорлик жамиятлари инвесторларининг тавсифи асослаб берилди ва уларнинг ўзаро муносабатлари тизимлаштирилди;

– корпоратив бошқарув максадининг муҳим элементи сифатида инвестицион жозибадорликни ошириш илмий тадқик этилди ва корхона инвестиция жозибадорлигини таснифлаш амалга оширилди;

– акциядорларнинг умумий йигилишида овозга қўйишнинг электрон тизимини жорий этиш, корпоратив сайтлар оркали ҳар бир акциядорлик жамиятлари кесимида акцияларни сотиб олиш ва тўланган дивидендлар ҳамда дивидендларни кайта инвестициялаш ҳакида маълумотларни жойлаштириш таклиф этилди;

– акциялар ва улар бўйича тўланадиган дивидендлар тўғрисида кенг инвесторлар томонидан етарли маълумотларни олишлари учун молиявий хисоботларнинг халкаро андозалари иловаларига мувофиқ битта акцияга тўғри келадиган даромадлилик (EPS) хисоботини амалдаги молиявий хисоботлар таркибиغا киритиш таклиф этилди;

– менежмент мотивацияси сифатида жами мукофот кийматининг 1/3дан 2/3 кисмига тенг микдорда корпоратив кимматли коғозларни номинал баҳосида топшириш йўли билан, уларнинг ойлик маошини компания даромадлилигига боғлаш тавсия этилди.

Тадқикот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда келтирилган илмий хulosалар, назарий ва амалий тавсиялардан “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналари корпоратив бошқарувини самарали ташкил килишда, олий таълим муассасалари ўкув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий килиниши. Тадқикот жараёнида ишлаб

чиқилган таклиф ва услубий тавсиялар “Ўзбекенгилсаноат” ДАК томонидан тизим корхоналарида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш максадида амалиётда қўллаш учун кабул килинган (2012 йил 15 майдаги далолатнома). Диссертациянинг илмий хуносалари ва натижалари Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан (2012 йил 12 марта даги далолатнома) “Корпоратив бошқарув”, “Корпоратив бошқарувда иқтисодий хавфсизлик”, “Инкирорзга карши бошқарув” фанларининг ўкув дастурларини такомиллаштириша фойдаланиш учун кабул килинган.

Ишининг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий гоя ва хуносалари “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш истиқболлари” (Тошкент, 2011), “Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация килиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириша солик тизимининг ролини ошириш масалалари” (Тошкент, 2011), “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: муаммолар, ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, 2011), “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк-молия тизимини баркарорлигини таъминлашни такомиллаштиришнинг асосий ўйналишлари” (Тошкент, 2012), “Миллий иқтисодиётни инновациялар асосида ривожлантиришнинг институционал муаммолари” (Тошкент, 2012) халкаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъкулланган.

Таддикот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Корпоратив бошқарув ва ракобатни ривожлантириш” кафедрасида (2011 йил 27 декабрдаги 18-сонли мажлис баённомаси) ва Ихтисослашган кенгаш кошидаги 08.00.13 - “Менежмент” ихтисослиги бўйича Илмий семинарда (2012 йил 24 майдаги 6-сонли баённома) мухокама килинган ва химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон килинганлиги. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари 1 та ўкув қўлланма, 4 та илмий макола ва 7 та тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган, умумий хажми 145 бет бўлиб, 10 та жадвал, 15 та расмдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон иқтисодиётида акциядорлик жамиятларининг узок муддатли фаолият юритиши ва ракобатбардошлигини таъминлаш масаласи, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини тубдан ўзгартириш ва замонавийлаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Бу эса, катта хажмдаги капитал кўйилмалар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни талаб киласди. Мустакиллик йилларида кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш учун зарур пойdevор бўлган янги мулкий муносабатларнинг ўрнатилишига имкон берадиган конунчиллик негизи, хусусан, фонд бозори ҳамда енгил саноат соҳасида хорижий инвестицияларни кафолатловчи ва уларга имтиёзлар берувчи хукукий асослар шаклланди. Масалан, енгил саноат корхоналари 2016 йилнинг 1

январигача импорт киладиган ускуналар, йиғувчи материаллар, ишлаб чикаришда кўлланиладиган импорт хом ашёлар учун бож тўловларидан озод этилган.

Иктисолиётни модернизациялаш шароитида самарали фаолият юритишнинг корпоратив бошқарув модели акциядорлик жамиятларига инвестицияларни жалб килиш, баркарор индустрисал ва иктисолий ўсишли таъминлаш каби муаммолар ечимини таъминлашнинг муҳим омили хисобланади¹. Айни чоғда, мазкур модел акциядорлик жамиятларнинг молия бозоридаги ракобатбардошлиги ва хавфсизлиги, баркарорлиги хамда инвесторлар учун жозибадорлик даражасини оширишга ҳам хизмат киласди.

Бирок, Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаганлариdek, “хорижий инвестицияларни жалб килишнинг кўлами ва суръатлари хали коникарли бўлмаяпти. Бунга эса, хорижий инвесторларни кизиктириш учун етарли шарт-шароит туғдирилмаганлиги сабаб бўлмоқда”... Хусусан, “Бугунги кунда республика фонд бозори ва кимматли коғозлар бозоридаги ишларнинг ахволи ҳам бизни кониктирумайди. Бундай ахвол кўп жихатдан корхоналардаги корпоратив бошқарув тизимидағи жiddий камчилик ва нуксонлар билан боғлик”² – бўлмоқда.

Одатда, корпоратив бошқарув бизнесда узок муддатли максадларга эришиш имкониятларини яратади ҳамда ушбу механизм орқали инвесторлар манфаатларининг ёлланма менежерлар манфаатлари билан уйғунлашиши содир бўлади. Корпоратив бошқарув мамлакат иктисолий ривожланишининг ҳал килувчи омилларидан бири сифатида: акциядорлик жамиятларини бошқариша маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун хавфсиз ва самарали хисоб-китоб юритилишининг кафолатланиши; инвесторларнинг маблағлари ишониб топширилган ёлланма менежерларнинг хисобдорлиги ва фаолияти самарадорлиги кучайиши; чекланган ресурслардан самарали фойдаланишининг кўллаб-кувватланиши асосида ракобатбардош ва самарали фаолият юритувчи йирик акциядорлик жамиятлари барпо этилишига кўмаклашади.

Аксарият холларда барпо этиладиган йирик акциядорлик жамиятлари мулкдорларининг таркиби индивидуал (шахслар, ташкилотлар) ва институционал (пенсия фонdlари, сугурта акциядорлик жамиятлари, инвестицион фонdlар, банклар) инвесторлардан иборат бўлади.

Ўз навбатида мураккаб тизим сифатида тавсифланадиган йирик акциядорлик жамиятлари менежерлар гурухи томонидан бошқарилади. Менежерлар гурухи маълум ваколатларга эга бўлган бошқарув органини ташкил этади. Бу эса, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 июндаги ПФ-3267-сонли «Хорижий сармоя иштироидаги корхоналар томонидан тайёр истемъол моллари ишлаб чикариши кўйтайтиришини рабгатлантиришга онд кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПК-475-сонли “Кимматли коғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Карори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-114-сонли 2007 йил 14 марта даги “Ишлаб чикариши модернизациялаштириш, техник ва технологик кайта жихозлаштиришини рабгатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

² Каримов И.А. Янгиланиш ва баркарор тараққиёт йўлидан янада изчил харакат килиш, ҳалкимиз учун фаровон турмуш шаронти яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 15 б.

тизимининг назарий-услубий моделини асослашга имкон беради (1-расм).



1-расм. Корпоратив бошқарув тизимининг назарий-услубий модели¹

Мазкур модель иктисолидий, сиёсий, мотивацион, хукукий, молиявий ва ташкилий механизмларнинг бошқарувда иштирок этадиган манфаатдор шахслар (акциядорлар, кузатув кенгashi, менежер, давлат ва х.к.)нинг максадли харакатини акс эттиради.

Корпоратив бошқарувнинг классик ёндашувига кўра, менежерлар мулкдорлар манфаатларини кўзлаб фаолият юритадилар. Аммо, амалиётда умуман бошқача холатларни хам гувохи бўлиш мумкин. Гап шундаки, айрим холатларда менежерларнинг шахсий манфаатлари бошқарув карорларини кабул килишида асосий роль ўйнайди. Бундай холат менежернинг имиджи (бошқарув бинолари, бошқарув учун йирик харажатлар), рискка бўлган муносабати (менежерлар ўз амалиётида хар доим хам жавобгарликни ўзларига олавермайдилар), инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш (масалан, менежерлар иктисолидий натижага эришиш эмас, балки ўз таъсир доирасини кенгайтириш масалаларида хам кузатилади.

Мулкдорлар билан менежерлар ўртасидаги бундай қарама-каршилик агентлик муаммоси деб аталади. Бошқарув жараёнида мулкдорлар билан менежерлар ўртасидаги қарашлар тафовутини бартараф этишга каратилган ўзаро таъсир воситаларидан фойдаланиш талаб этилади.

¹ Талкототлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

Акциядорлар (мулкдорлар)



Рағбатлантириш воситалари

1. Иш ҳаки
2. Бонуслар (мукофот)
3. Акцияга опцион
4. Имтиёзли кредитлар
5. Ижтимоий тадбирлар

Фаолликни ошириш воситалари

1. Шартнома тизими
2. Хисобдорлик
3. Текширишлар ва тағтишлар
4. Ички мөшерий хужжатлар

Ташкилий таъсир воситалари

1. Кузатув кенгаши
2. Тағтиш комиссияси
3. Ички аудит
4. Ташки аудит
5. Корпоратив маслаҳатчи

Менежер

2-расм. Акциядорлар ва менежерларнинг ўзаро таъсир воситалари¹

Корпоратив бошқарув моделлари тажрибасига кўра, менежерлар маошида ўзгарувчан мукофотлар улушининг сезиларли дараҷада (1/3дан 2/3 гача) бўлиши мухим аҳамиятга эга. Менежерларга бонус сифатида акциялар сотиб олиш учун опционларнинг тақдим этилиши якин вактларгача мулкдорлар билан менежерлар манфаатини боғлайдиган дастак бўлиб, мулкдорлар каби, менежерларнинг пулли мукофотлари акция курси киймати ошиши оркали шакллантирилади ва агентлик муаммосини юмшатади. Аммо, амалиётда опцион имтиёзи хажмини белгилаш муаммоси ушбу ёндашувнинг жиддий камчиликларидандир. Чунки, акция курси кийматининг сезиларсиз ўзгариши хам каттарок имтиёзлар туфайли менежерлар учун йирик фойда олишга имкон берадиган рағбатлантирувчи самарали восита хисобланади. Иккинчи муаммо – акция курси киймати билан бошқарув сифати ўртасидаги боғликлардир. Акция кийматининг ўсиши (пасайиши), бошқарувнинг сифати билан эмас, балки фонд бозорининг умумий ўсиши (ёки пасайиши, айникса бизнес циклининг пасайиши ва иктисадий таназзул) натижаси бўлиш хам мумкин. Бундай холатда, опционлар бўйича олинадиган мукофотлар акциядорлик жамиятини самарали бошқаришнинг натижаси бўлмайди, бошка томондан, фонд бозорининг умумий пасайиши менежерлар даромадларини пасайишига объектив бўлмаган тарзда таъсир этади.

Рағбатлантириш тизимида фаолиятга боғлик рағбатлантириш алоҳида ўрин эғаллади. Фаолиятга боғлик рағбатлантиришда индивидуал ходим ўз маошига рағбатлантирувчи устамани кисман ёки тўлиқ, даврий ва тизимли равишда унинг фаолиятини баҳолаш асосида олади. Бу тизимдан кўзланган

¹ Муаллиф ишланмаси.

максад – хар бир ходимни ўз иш ўрнида самарали фаолият юритишига ундаш, фаолиятнинг юкори стандартини таъминлашдан иборатdir. Менежмент фаолиятини ички назорат килишнинг тан олинган механизми сифатида, акциядорлар томонидан улар маңфаатларини химоя килиш учун, маълум назорат ваколатларига эга бўлган агентларнинг жалб этилиши амалга оширилади. Улар акциядорлик жамияти ходимлари бўлишмайди, шунинг учун хам уларни “ташки (мустакил) директорлар”, ёки “аутсайдерлар” деб аташади.

Юкоридаги назарий ёндашувлардан келиб чиккан ҳолда республикамиз енгил саноат тизимида корпоратив бошқарув муносабатларини тахлил килиш асосида куйидагилар аникланди. Аввало, миллый енгил саноат тизимидаги корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши мөърий-хукукий хужжатлардаги талабларга мувофиқ равишда амалга оширилган.

Хозирда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналари мамлакат енгил саноатининг тўқимачилик ва тикув саноати ишлаб чикириш кувватларининг салмокли кисмини ташкил этади. Мазкур тизим таркибида б 6 та соҳадаги 256 та корхона фаолият юритмоқда¹. Улар ип калава, жун ип, хом сурп, тайёр ип газлама ва тайёр жун газлама, гилам ва гилам маҳсулотлари, тикувчилик или, шунингдек, нотўқима материаллар ишлаб чикиришга ихтинослаштирилган. Бинобарин, енгил саноат тизими “Ўзбекистон иқтисодиётида салмокли ўринни эгаллаб, ЯИМнинг ўндан бири, саноат ишлаб чикиришининг 14 фоизини, истеммол товарларининг тахминан ярми ва ноозик-овқат соҳаси истеммол товарларининг 4/5 кисмини ташкил этади.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналари йилига 300 минг тонна калава ип, 56,4 минг тонна трикотаж мато, 157,9 млн. кв. м. ип газлама, 149,78 млн. дона трикотаж маҳсулотлари, 26,3 млн. жуфт пайпок маҳсулотларини ишлаб чикаради².

Бугунги кунда енгил саноат тизимида турли мулкчилик шаклларига асосланган 70 дан ортик йирик ип-йигирув фабрикалари ва кичик фирмаларни хисобга олмагандан, 1664 корхона тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чикаради. Улардан энг йириклари “Шайхонтохур текстиль” КК, ИП “Baytex”, ИП “Алким текстиль”, “Фермал ЛК Лтд” КК, ООО “Dong San”, ООО “Kalorama” КК, ИП ООО “Osborn Textile” ва бошкалардир.

Тадқикотлар шуни кўрсатадики, юкори технологияга асосланган импорт ускуналари ёрдамида Ўзбекистонда маҳаллий тўқимачилик саноатини ривожлантириш, шунингдек, корпоратив бошқарув соҳасидаги халкаро тажрибага таянган ҳолда, халкаро стандартларга мос маҳсулот ишлаб чикириш маҳаллий бозорни сифатли тўқимачилик маҳсулотлари билан тўйинтириш имконини беради.

Тўқимачилик саноатини ривожлантириш, нафакат ички талабни тўла кондириш, балки жаҳон бозорида ушбу соҳада сезиларли бозор улушкига эришишини кўзлайди. Бундай ижобий натижаларга эришишини соҳани модернизация килиш ва техник қайта жихозлаш чораларисиз амалга ошириб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 24 апрелдаги Фармонига мувофиқ Енгил саноат вазирилиги негизида “Ўзбекенгилсаноат” Давлат акциядорлик компанияси (ДАК) ташкил этилган.

² “Ўзбекенгилсаноат” ДАК маълумотлари.

бүлмайди. Шу сабабли хам, енгил саноат корхоналари энг янги техника билан таъминланмоқда, илгор технологиялар татбиқ килинмоқда, ишлаб чиқариш линиялари янгиланмоқда.

1-жадвал

Акциядорлик жамиятининг инвесторлари тавсифи¹

Кўрсаткичлар	Инвесторлар таркиби		
	Портфелли инвестор	Молиявий инвестор	Стратегик инвестор
Инвестициялаш муддати	6 ойгача	6 ойдан 3 йилгача	3 йил ва ундан ортик
Инвестициялаш шакли	Устав капитални 10%гача эгалик килиш	Кредитларни тақлиф этиш	Модернизациялаш ва янги объектларни курни мақсадида йирик акциялар пакетига эгалик килиш
Инвестицияларни жойлаштириш объектига кўра	Кимматли кофозлар бозорида юкори ликвидли акцияларга эгалик килиш	Истиқболли ва молиявий холати баркарор ривожланаётган иختиёрий акциядорлик жамияти	Стратегики аҳамиятга эга, ракобатбардош, саноатни аник бир йўналишига ихтисослашган ўрта ва йирик акциядорлик жамияти
Инвестициялаш мақсади	Акцияларни иккиласми бозорда юкори нархларда сотиш эвазига даромад олиш	Кредитлар хисобига даромад олиш	Бозорда мавзени мустахкамлаш ва янги бозорларга чиқиши, инновацион маҳсулот (хизмат)ларни тақлиф этиш, харажатларни камайтириши
Инвестиция кафолати	Акциядорларнинг умумий йигилишида катнашиш	Кафолат учун кўйилган, акция пакети ёки юкори ликвидли мулк, учинчи шахс томонидан берилган кафолат хати	Акциядорларнинг умумий йигилишида назорат акция пакетига эгалик килиш ёки кўп овозга эга бўлиш
Корхона фаолиятига бевосита тъясирни	Тъасир кўрсатмайди	Тъасир кўрсатмайди	Янги технологияларни жорий этиш, самарали бошқарув юзасидан тақлифлар бериси
Корхона бизнес доирасидан чиқиши	Ихтиёрий инвесторга акция пакетларини сотиш оркали	Берилган кредитни фоизи билан кайтариб олиш оркали	Мақсадга эришгандан сўнг ёки бошка сабабларга кўра акция пакетларини бошка инвесторга сотиш оркали
Корхона учун фойдали томони	Акцияларнинг расмий курси бўйича корхонанинг бозор кийматини баҳолаш	Кредитлар учун имтиёзлар бериси	Халкаро кредит бозоридан йирик микдордаги молиявий ресурсларни жалб этиши
Корхона учун салбий томони	Умумий йигилиши устидан назорат, дивиденд сиёсатидаги низолар	Кредитлар учун фонз тўловларини доимий тўлаб бориши ва кафолат учун кўйилган мулкни ликвидлигини сақлаш	Молиявий пул оқимлари устидан инвестор назорати ва корхона менежментини хисобдорлиги

Айниқса, иктисолидётни модернизациялаш шароитида мамлакат енгил саноат корхоналарига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб килиш, фаолият юритаётган корхоналарда корпоратив бошқарув усуслари ва механизмларини ишлаб чиқиш хамда уни жорий этишни талаб этади.

¹ Муаллиф ишланмаси.

Мамлакатимиз истеъмол бозорини зарур маҳсулотлар билан тўлдиришда енгил саноат тизими алоҳида ўрин тутади.


Тадқикот натижаларига кўра, жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари самарадорлигини янада оширишда инвесторларнинг корхона учун йўналтирган молиявий ресурсларини инвестициялаш муддати, мақсади, корхона фаолиятига таъсири ва бошқа омилларни эътиборга олиб портфелли, молиявий ҳамда стратегик инвесторларга гурухлаган ҳолда бир тизимга келтирилди (1-жадвал).

Ушбу жадвалда миллӣ иқтисодиётини модернизациялаш ва енгил саноат корхоналарини техник-технологик жиҳатдан янгилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда инвесторлар таркибини хисобга олиш зарур эканлиги илмий асосланди. Олиб борилган тадқикотлар натижасида инвесторлар шартли равишда портфелли, молиявий ва стратегик инвесторлар тоифаларига ажратилди. Портфелли инвестор ўзининг маблағини асосан корхонага кисқа муддатга қўйиб юкори фойда олишга ҳаракат қиласди. Бу асосан қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори ривожланган ҳолатларда катта самара беради. Мамлакатимизда қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг суст ривожланганлиги учун бу тоифадаги инвесторларнинг акциядорлик жамиятларига таъсири сезилмайди.

Мамлакатимизда молиявий инвесторлар тоифасига асосан банклар киради. Ривожланган хориж тажрибасида молиявий инвесторлар таркибини жуда кўп молиявий институтлар ташкил этади. Улар асосан истиқболли ва молиявий ҳолати баркарор ривожланётган акциядорлик жамиятлари учун турли хил кредитларни таклиф қиласдилар. Мамлакатда хусусий мулкчиликнинг давлат томонидан кафолатланган тизимига караб стратегик инвесторлар фаолияти амалга оширилади. Улар асосан узоқ муддатли инвестицияларни муайян тармок ёки соҳага жойлаштириш учун акция пакетларига эгалик килишади. Бу уларга катта микдордаги инвестицияларни жойлаштиргани учун кафолат хисобланади.

Шу мақсадда Ўзбекистонга чет эл капиталини жалб этишга кулади мухитни шакллантириш ҳамда банк тизимининг енгил саноат корхоналарини молиялаштиришда таклиф этилаётган инвесторлар фаолиятини ўрганиш юзасидан таклифлари мазкур соҳада конуний-хукукий базасини яратиш, енгил саноат соҳаси бўйича кўшма корхоналарни ривожлантиришга ёрдам беради.

Хар бир корхона фаолияти ва хар бир бизнеснинг муваффакияти нафакат тўғри танланган стратегия, қимматли ресурслар мавжудлиги ва яхши бошкарувга, балки инвестицияни жалб этувчи мухитнинг шаклланганлигига ҳам боғлик бўлади. Иқтисодиётдаги инвестицион мухит корхоналарга чет эл инвестицияларини жалб килишда катта ўрин тутади. Инвестицияни жалб этиш учун, биринчи навбатда, корхоналар очиқлик тизимига асосланган корпоратив бошкарувни жорий этиш ва ривожлантириш лозим. Корпоратив бошкарув мухитининг хусусиятлари бозорни тартибга солиш сиёсати ва самарадорликни бошкариш, акциядорлар хукукларини таъминлаш, бизнеснинг очиқлиги кабилар билан аникланади. Шу мақсадда акциядорлик жамиятларида инвестиция жозибадорлиги таснифланди (3-расм).



3-расм. Акциондорлик жамиятларидаги инвестиция жозибадорлиги кўрсаткичлари¹


Расмдан кўриниб турибдики, акциондорлик жамиятларидаги инвестиция жозибадорлигини таснифлаш молиявий холат, мамлакатдаги тадбиркорлик мухити ва корпоратив бошқарув тизимининг такомиллашув даражасига бөглил. Иктисолётни модернизациялаш шароитида корхоналар фаолияти мулк шаклидан катъий назар, мураккаб иктисолий жараёнлар кўринишида амалга оширилади. Корхона фаолиятида бир томондан молиявий ресурсларнинг такчилиги кўзга ташланса, иккинчи томондан, хўжалик субъектларининг кескин ракобат шароитида фаолият кўрсатишларига, учинчи томондан эса четдан . инвестиция жалб килиш мақсадида корхоналар инвестиция жозибадорлигини оширишга тўғри келади.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАҚ таркибидағи чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган тикувчилик, трикотаж, тўкимачилик тармокларида

¹ Тадқикотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

фаолият юритаётган корхоналарни модернизация килишда уларнинг ишлаб чиқариш, молиявий ресурслар ва инвестицион салоҳият кўрсаткичларига эътибор каратиш лозим.

Тармоқка киритилаётган инвестицияларнинг ортиб бориши билан унинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам ўсиб бормоқда. Агар тармоқка киритилган тўғридан-тўгри хорижий инвестициялар хажми 2006 йилда 88,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йил якунларига кўра 149,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган ёки 6 йил мобайнида енгил саноат тармогига киритилган хорижий инвестицияларнинг хажми кариб 1,7 баробарга кўпайган (4-расм).



4-расм. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарига киритилган тўғридан-тўгри хорижий инвестициялар хажмининг ўзгариши, млн. АҚШ долларида¹

Тармоқка инвестицияларни (айниқса, техника ва технология сифатида) жалб этиш микдорини кенгайтириш, жаҳон бозорлари талабига жавоб берадиган, ракобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш хажми ва сифатини ошириш имконини берди. Бу енгил саноат махсулотлари экспорти хажми кўпайишини таъминлади.

Тадқиқотлардан кўринадики, “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан кайта қуроллантириш натижасида ўрганилаётган даврларда саноат ишлаб чиқариш хажми 4,2 марта, истеъмол моллари чиқариш хажми 2,7 марта, махсулот экспорти хажми 2,8 марта, ўзлаштирилган капитал маблағлар хажми 3,6 марта, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар хажми 1,9 марта, ишга туширилган янги корхоналар сони 2,5 марта, фойда хажми 0,8 марта, бюджет ва бюджетдан ташкири фонdlарга барча тўловлар хажми 2,7 марта ошган. Бироқ, ўрганилган давр оралиғида “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва фойда хажми борасида баркарор

¹ “Ўзбекенгилсаноат” ДАК маълумотлари.

ўсиш тенденциялари таъминланмаган (2-жадвал).

2-жадвал

**“Ўзбекенгилсаноат” ДАКда иқтисодий қўрсаткичлар динамикаси,
2005 йилга нисбатан фойизда (2005=100)¹**

Қўрсаткич номи	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Саноат ишлаб чиқариш ҳажми	113,4	138,3	166,1	179,9	200,3	421,2
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми	122,6	82,7	87,6	89,5	124,7	267,1
Маҳсулот экспорти ҳажми	131,7	167,3	156,8	160,9	188,0	275,9
Ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми	119,7	110,9	156,1	182,2	256,9	364,4
Шу жумладан, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар	108,7	107,3	126,2	78,6	129,9	184,5
Ишга туширилган янги корхоналар сони	200	209	209	155	246	255
Фойда	123,7	147,4	105,3	110,5	115,8	81,6
Бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlарга барча тўловлар	116,1	134,7	155,5	179,2	196,6	287,4

Иқтисодиётни модернизациялаш талабларидан келиб чиқкан ҳолда эришилган фойда ҳажми қўрсаткичларидан факат 2006-2008 йиллардагина дивиденд ажратилган бўлиб, колган йилларда фойдалдан техник ва технологик янгиланиш мақсадида фойдаланилган.

Аксарият ҳолатларда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигига молиявий ва ахборот шаффоғлиги таъсир этувчи омил бўлиб хизмат килмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай муаммоларнинг вужудга келишини куйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- акциядорлик жамиятлари молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ошкора эълон килинмаслиги;
- молиявий бозорлар ахборот инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- амалдаги молиявий хисоб тизими ва молиявий хисоботлардаги мавжуд маълумотлардан кент инвесторлар жамоатчилигининг фойдаланишлари билан боғлик муаммолар.

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги маълумотларини инвесторларга тўлаконли ва ўз вақтида етказилиши уларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашда мухим ахамият касб этади. Бизнинг фикримизча, акциялар ва улар бўйича тўланадиган дивидендлар тўғрисида кент инвесторлар томонидан етарли маълумотларни олишлари учун молиявий хисоботларнинг ҳалкаро андозалари иловаларига мувофиқ битта акцияга тўгри келадиган даромадлилик

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва “Ўзбекенгилсаноат” ДАК маълумотлари.

(EPS) хисоботини амалдаги молиявий хисоботларга илова шаклида киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида, мавжуд инвесторларнинг конунда белгиланган акциялари бўйича номулкий ҳукук хисобланувчи ахборот олиш ҳукукининг самарали ижросини таъминлайди.

Шунингдек, мавжуд молиявий хисоботларнинг такомиллашуви корпоратив бошқарувнинг функционал элементи бўлган корпоратив назорат маълумотлар базасини яхшиланишига олиб келади.

Кейнги йилларда “Ўзбекенгилсаноат” ДАҚ таркибидаги корхоналар инвестицион фаолиятида изчил ўсиш суръатлари кузатилаётган бўлиб, унга таъсир этувчи омиллар каторида корпоратив бошқарув тизимидағи изчил олиб борилаётган ислохотлар мухим аҳамият касб этмоқда. Лекин шундай бўлса-да, компания таркибидаги акциядорлик жамиятлари фаолиятини истикболда ривожлантириш, уларга ички ва ташки инвестицияларни кенг жалб қилишини янада жадаллаштириш нуктан-назаридан корпоратив бошқарув тизимини янада ислоҳ килиш билан боғлик муаммоларга куйидагиларни киритишимиш мумкин:

– биринчидан, компания таркибидаги акциядорлик жамиятларида давлатнинг назорат пакетини боскичма боскич камайтириш ва институционал инвесторлар ресурсларини компания бизнес мухитига жалб килиш учун шарт шароитлар яратиш максадга мувофиқдир;

– иккинчидан, миноритар акциядорларнинг компания акциядорлик жамиятлари фаолиятидан манфаатдорлигини ошириш учун уларнинг ҳукук ва ваколатларини кенгайтириш максадга мувофиқдир. Тахлилларнинг кўрсатишича, аксарият ҳолатлардаги корпоратив ихтилофлар миноритарлар билан юзага келмоқда. Бунда уларнинг овоз бериш ҳамда дивиденд олиш ҳукуклари бўйича ихтилофлар мавжуддир.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг яхлит андозалаштирилган индикаторларини шакллантириш билан боғлик муаммолар мавжуддир. Бизнинг фикримизча, корпоратив бошқарувни ривожлантиришда барча хисоботларда асосий базавий индикаторлар самарадорлигини сақлаган ҳолда корпоратив бизнес портфелини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу индикаторларни амалиётга жорий этишда шакллантирилган хисобот ва маълумотларнинг барчасини стандартлаштириш ва автоматлаштириш керак. Бу эса, ўз навбатида корпоратив бошқарув органлари учун тезкор маълумотларни узатиш ва акциядорлик жамиятларда асосий кўрсаткичларнинг ижобий ва салбий томонларга ўзгариши ҳолати ҳакида ахборот беради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга кўйишнинг электрон тизимини жорий этиш акциядорлар кенгашни йиғилиши фаолиятининг самарадорлиги учун ижобий аҳамиятга эгадир. Тадқикотларнинг кўрсатишича, АҚШда когозли бюллетенлар асосида овоз бериш механизми ўтган аср тарихига айланган. Агарда интернет орқали овозга кўйиш жараёни амалиётга киритилса, ҳар бир акциядорга кетадиган харажатлар ҳажмининг кискаришига олиб келади ва акциядорлик жамиятлари жами харажатлари анча камайган бўлар эди. Акциядорларнинг ҳам корпоратив карорларни кабул килишдаги иштироқи ҳам куляйликлар яратилганлиги сабабли ошади. Акциядорлар Web-

сайтда кун тартибига кўйилган масалалардан тезда хабардор бўлган холда, улар акциядорлик жамиятлари ишлаб чикараётган маҳсулотлар турлари, нархлари ва ҳажмлари ҳакида маълумотларга эга бўлади ва уларга бўлган талаб ҳам ошиши мумкин. Одатда “яхши” акциядорлардан потенциал сотиб олувичи мижозлар шаклланади.

Интернет глобал тармоининг ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабхаларига кириб келганинги инобатта олиб корпоратив сайплар оркали ҳар бир акциядорлик жамиятлари кесимида акцияларни сотиб олиш ва тўланган дивидендлар ҳамда дивидендларни кайта инвестициялаш ҳакида маълумотларни жойлаштириш лозим. Акцияларни тўғридан-тўғри онлайн режимида сотиб олиш кимматли қоғозларни жойлаштириш харажатларини кискартириш билан бир каторда, фонд бозоридаги савдоларда фаолликни оширади, махаллий ва хорижий инвесторларнинг маблағларини жалб килиш имкониятларини кенгайтиради. Айнан капиталнинг ушбу категориядаги эгалари (инвесторлар) маълум даврда, йирик институционал инвесторлар томонидан фойдани аниклаш ва заардан қочиш максадида кимматли қоғозларни оммавий сотиб даврида ҳосил бўладиган рисклардан ўзига хос равиша сугурталаниш имкониятларига эга бўладилар.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажариш жараёнида қуидаги **илмий хуласалар** шакллантирилди:

1. Акциядорлик жамиятларидаги корпоратив бошқарувни тавсифлашга оид илмий ёндашувларда иқтисодий муносабатларнинг негизи бўлган мулк шаклларининг муайян жихатларини очиб беришга, яъни, акцияларнинг мулк сифатидаги уч хусусияти (эгалик килиш, дивиденд олиш, акциялар савдосидан фойда олиш)га асосий эътибор каратилган.

2. Корпоратив бошқарув акциядорлик жамиятлари иштирокчилари манфаатларининг тўкнашувидаги ижобий жихатлар ва камчиликларни хисобга олган холда давлат ва жамиятнинг самарали ривожланиши фаолиятини таъминлайди. Чунончи, корпоратив бошқарув тизими – бу умумий максад йўлида мулкий ва бошқарув муносабатлари иштирокчилари (менежерлар) харакатини таъминлаш оркали манфаатдор томонлар (ишли ходим, кредитор, давлат ва бошк.) манфаатларини рӯёбга чикарилишини таъминловчи механизmlар мажмуудир.

3. Акциядорлар ўз мулкларини сакланиши ва менежерлар томонидан самарали бошқарилишини таъминлашда ўзаро таъсир воситалари тўғри ташкил этилиши ва йўналтирилиши максадга мувофик. Менежерларга тўланадиган асосий иш ҳакидан ташкари, корхона фойдасидан бонуслар (мукофотлар) ажратишиб ҳозирги кунда ўзининг самарасини саклаб қолмаяпти, шунинг учун акцияга опцион раббатлантириш воситасини янада кучайтириш лозим. Хусусан, акцияларни менежерларга имтиёзли бериш пайтида уларга маълум муддат ичига акцияларни сотмаслик (хадя этмаслик) мажбурияти кўйилиши лозим. Бунда акциядорлик жамиятларининг ички меъёрий хужжатлари ҳам сезиларли ахамиятга эга.

4. Сўнгти йилларда Ўзбекистон енгил саноат тизимида ишлаб чиқариш хажмининг баркарор ўсиши кузатилсада, пахта хом ашёсини кайта ишлаш даражаси пастлиги сабабли, халқаро бозорларда сезиларсиз улуш сакланмокда. Бу эса, енгил саноат корхоналарининг ривожлантириш стратегияларини танлашда корпоратив бошқарув органлари ролини ошириш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш усуллари, корпоратив бошқарувнинг ички корпоратив меъёрий-хукукий механизмларини такомиллаштириш заруритини орттирмоқда.

5. Ўзбекистондаги енгил саноат корхоналарининг халқаро ракобатдаги қатор устунликлари аникланди. Буларга хукумат томонидан қўллаб-куватлаш, солик имтиёзлари, қулай инвестиция мухити, юкори малакали ишни кучи, тўкимачилик соҳасидаги чукур анъаналар, юкори сифатли хом-ашё (пахта, тола) олиш, Йирик ташки бозорлар – МДХ, Европа бозорига чиқиш имкони ва ўсиб борувчи ички талабни ҳам киритиш мумкин.

6. Тадқикот натижаларига кўра, кам ресурс талаб қиласидаги инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестицион дастурларни амалга оширишда ракобатдаги устунликлардан фойдаланиш, бизнес иклими ва инвестицион кулагийкни янада яхшилаш, истикболли ташки бозорларни аниклаш, логистика масалаларини ҳал килиш (кулай йўналишларни, имтиёзли темир йўл тарифларини топиш) кабилар соҳа ривожининг энг асосий стратегик йўналишлари хисобланади.

7. Пахтанинг жаҳон истеъмолини бир-неча мавсум давомида муттасил ўсиши, пахта етиштирувчи минтакаларда нокулай об-ҳаво шароитлари, дунё бўйича саноат учун пахта захираларининг қискариши ва таъминотдаги узилишлар, АҚШ доллари курсининг ўзгариши, биржа баҳоларida спекуляциянинг кучайиши кабилар халқаро бозорларда асосий хом-ашё – пахта толаси баҳосининг кескин ўсишини сабаблари хисобланади.

8. Акциядорлар ўз манфаатларини кўзлаб фаолият юритар эканлар, корхона менежерлари янги лойиҳаларни амалга оширишда, янги маҳсулотни бозордаги ҳаракатини таъминлашда, бозорларнинг маркетинг тадқикотини амалга ошириш, расмий дилерлар билан шартнома тузиш ёки савдо ваколатхоналарини ташкил этиш йўли билан сотиш каналини кенгайтириш, оммавий аҳборот воситаларида реклама, тақдимотларда иштирок этиш, бизнес–шериларнинг мавжуд йўлга кўйилган каналларидан фойдаланиш, ракобатбардош баҳолар, улгуржи ҳаридорларга чегирма ва имтиёзларнинг эгилувчан тизимидан фойдаланиш каби воситалар тўпламидан фойдаланиши максадга мувофик.

9. Хозирги пайдада корпоратив бошқарув тизимининг дунё бўйича ўзига хос уч тури фарқланади, булар, инглиз-америка, немис ва япон моделлари. Тадқикотлар давомида ўрганилган “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда корпоратив бошқарувнинг миллий хусусиятларни инобатта олган холда, у кўпроқ континентал европа хукукий тизимиға мос келади.

10. Илмий изланишда корпоратив бошқарувнинг назорат механизмида менежмент мотивацияси мухим ўрин тутиши аникланди. Менежерни ишлашга мажбур килишга рағбатлантирувчи омиллардан бири, уларга жами мукофот

кийматининг 1/3дан 2/3 кисмини номинал баҳосига тенг микдорда маълум типдаги қимматли қоғозлар орқали бериш билан уларнинг ойлик маошини компания даромадлигига боғлашидир.

11. Соҳадаги илмий изланишлар шуни кўрсатадики, кузатув кенгашининг юкори менежерлар фаолияти устидан назоратининг самараалорлиги аъзолари микдорига боялик бўлиб, бошقا жихатлар тенг бўлганда, Кузатув кенгаши аъзолари камчилик бўлса, бозор уни яхширок кабул килади. Фикримизча, бу жараённи, биринчидан, оз сонли Кузатув кенгашида ягона фикрга келишиш осонрек кечиши, иккинчидан, бундай кенгашларнинг, одатда, вазифаларни аник ва назорат мажбуриятларини яхширок бажариши билан изоҳлаш мумкин.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Ташходжаев М.М. Корпоратив бошқарувни ташкил этишнинг айrim масалалари // Иктисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2010. – №6. – Б. 45-48.
2. Карлибаева Р.Х., Ташходжаев М.М., Ахунжонов У.М. Корпорациялар молияси. Ўкув кўлланма. –Т.: Иктисодиёт, 2010. – 148 б.
3. Ташходжаев М.М. Иктисодий ислоҳотлар шароитида енгил саноат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва унинг ривожланиши // Иктисодиёт ва таълим. – Тошкент. – 2011. – № 4. – Б. 79-82.
4. Ташходжаев М.М. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўналишлари // Иктисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш истикболлари. – Тошкент, 2011. – Б. 277-279.
5. Ташходжаев М.М., Нурмуҳаммедова Ф.Я. Акциядорлик жамиятларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар // Иктисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш истикболлари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. – Тошкент, 2011. -Б. 107-109.
6. Карлибаева Р.Х., Ташходжаев М.М. Ҳиссадорлик жамиятларининг молиявий бозорлардаги фаолиятини ривожлантириш // Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация килиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солик тизимининг ролини ошириш масалалари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислар тўплами. – Тошкент, 2011. -Б. 279-281.
7. Карлибаева Р.Х., Ташходжаев М.М. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувни ривожлантириш // Иктисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: муаммолар, ривожланиш истикболлари: республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислар тўплами. – Тошкент, 2011. -Б. 243-248.
8. Ташходжаев М.М. Мамлакатимиз корхоналарининг инвестицион фаолигини оширишда корпоратив бошқарувнинг роли // Миллий иктисодиётни инновациялар асосида ривожлантиришнинг институционал

муаммолари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2012. 2-том. – Б. 171-173.

9. Ташходжаев М.М. “Ўзбекенгилсаноат” тармогидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ҳалқаро таъжрибалар асосида такомиллаштириш масалалари // Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк-мolia тизимини барқарорлигини таъминлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: республика илмий-амалий анжуманининг тезислар тўплами. – Тошкент, 2012. – Б. 434-436.

10. Ташходжаев М.М., Азизова Д.Ш. Корпоратив корхоналар фаолиятини башоратлаш тизимини ривожлантириш // Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк-мolia тизимини барқарорлигини таъминлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: республика илмий-амалий анжуманинг тезислар тўплами. –Тошкент, 2012. -Б. 548-549.

11. Ташходжаев М.М. Корпоратив бошқарувдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент. – 2012. – № 2. – Б. 97-99.

12. Ташходжаев М.М. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг назарий-услубий жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. –Тошкент.- №4. Май, 2012.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ташходжаев Мухторхон Махсудовичнинг 08.00.13 – “Менежмент” иктиносиги бўйича “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўналишлари” (“Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналари мисолида) мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: корпоратив бошқарув, кузатув кенгаши, корпоратив бошқарув механизми, акциядорлик жамияти, агентлик муаммоси, менежмент мотивацияси, ички ва ташки назорат, тўқимачилик саноати, тола, газлама, трикотаж газламаси, тикувчилик, экспорт, модернизация, имтиёзлар тизими, инвестиция.

Тадқиқот обьектлари: “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида фаолият юритувчи корхоналарда корпоратив бошқарувни ташкил этиш амалиёти.

Тадқиқотнинг мақсади: иқтисодиётни модернизация килиш шароитида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга каратилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот методлари: тизимли ёндашув, гурухлаш, киёсий, таркибий ва статистик таҳлил усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: акциядорлик жамиятларининг бошқариш хусусиятларини тадқиқ этиш асосида корпоратив бошқарув тизимининг назарий-услубий модели ишлаб чиқилди; акциядорларнинг менежерларга таъсири воситалари илмий жиҳатдан асослаб берилди; акциядорлик жамиятлари инвесторларининг тавсифи асослаб берилди ва уларнинг ўзаро муносабатлари тизимлаштирилди; корпоратив бошқарув мақсадининг мўҳим элементи сифатида инвестицион жозибадорликни ошириш илмий тадқиқ этилди ва корхонанинг инвестиция жозибадорлиги таснифланди; кенг инвесторлар томонидан акциялар ва улар бўйича тўланадиган дивидендлар тўғрисида етарли маълумотлар олиниши учун молиявий хисоботларнинг халқаро андозалари иловаларига мувофиқ битта акцияга тўғри келадиган даромадлилик (EPS) хисоботини амалдаги молиявий хисоботлар таркибига киритиш таклиф этилди; менежмент мотивацияси сифатида жами мукофот кийматининг 1/3дан 2/3 кисмига тенг микдорда корпоратив кимматли коғозларни номинал баҳосида топшириш йўли билан, уларнинг ойлик маошини компанияя даромадлилигига боғлаш тавсия этилди.

Амалий ахамияти: илмий ишнинг амалий ахамияти шундан иборатки, ишда келтирилган илмий хулосалар, назарий ва амалий тавсиялардан “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналари корпоратив бошқарувини самарали ташкил килишда, олий таълим муассасалари ўкув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: муаллифнинг катор илмий тавсиялари ва амалий таклифлари “Ўзбекенгилсаноат” ДАК томонидан амалиётга кўллаш учун кабул килинган, олий ўкув юртларида “Корпоратив бошқарув”, “Корпоратив бошқарувда иқтисодий хавфсизлик”, “Инкиrozга карши бошқарув” фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: енгил саноат соҳасидаги акциядорлик жамиятлари, олий ўкув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ташходжаева Мухтархана Махсудовича на тему: «**Направления совершенствования корпоративного управления в акционерных обществах (на примере предприятий ГАК «Узбекенгилсаноат»)**» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент».

Ключевые слова: корпоративное управление, наблюдательный совет, механизмы корпоративного управления, акционерное общество, проблема агентства, мотивация менеджмента, внутренний и внешний надзор, текстильная промышленность, волокно, ткань, трикотажная ткань, швейное дело, экспорт, модернизация, система льгот, инвестиции.

Объекты исследования: практика организации корпоративного управления на предприятиях, функционирующих в системе ГАК «Узбекенгилсаноат».

Цель работы: разработка научно-методических предложений и практических рекомендаций по совершенствованию корпоративного управления в акционерных обществах в условиях модернизации экономики.

Методы исследования: системный подход, группировка, сопоставительный, структурный и статистический анализ.

Полученные результаты и их новизна: на основе исследования особенностей управления акционерным обществом разработана теоретически-методологическая модель системы корпоративного управления; научно обоснованы средства влияния акционеров на дела менеджеров; обоснованы характеристики инвесторов акционерного общества и систематизированы их взаимоотношения; научно исследовано повышение инвестиционной привлекательности, как важнейшего элемента корпоративного управления, классифицирована инвестиционная привлекательность предприятия; для получения инвесторами подробной информации об акциях и получаемых от них дивидендов предложено внести в структуру действующих финансовых отчетов отчет о прибыли на акцию (EPS) согласно стандартам международных финансовых отчетов; в целях мотивации менеджмента дана рекомендация по увязке месячной заработной платы с доходами предприятия путем выдачи работникам ценных бумаг компании по их номинальной стоимости в виде премирования из расчета от 1/3 до 2/3 причитающегося вознаграждения.⁴

Практическая значимость: научные выводы, теоретические и практические рекомендации, приведенные в диссертации, могут быть использованы предприятиями ГАК «Узбекенгилсаноат» по обеспечению эффективности в организации корпоративного управления, а также высшими учебными заведениями при реализации более совершенных учебных программ.

Степень внедрения и экономическая эффективность: ряд научных рекомендаций и практических предложений автора приняты к внедрению ГАК «Узбекенгилсаноат», могут быть использованы высшими учебными заведениями при преподавании дисциплин «Корпоративное управление», «Экономическая безопасность в корпоративном управлении», «Антикризисное управление».

Область применения: акционерные общества легкой промышленности, высшие учебные заведения.

RESUME

The thesis of Tashkhodjaev Mukhtarkhan Makhsumovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economics on speciality 08.00.13 – “Management”, subject: **“Directions of improving corporate governance in joint-stock companies (on an example of enterprises of the SJC “Uzbekyengilsanoat”)**

Key words: corporate management, the supervisory board, corporate management mechanisms, joint-stock company, an agency problem, motivation of management, internal and external supervision, the textile industry, a fibre, a fabric, a knitted fabric, sewing business, export, modernisation, system of privileges, investments.

Subjects of research: practice of corporate governance organization in the enterprises, functioning in the system of the SJC “Uzbekyengilsanoat”.

Purpose of work: working out of scientific-methodical suggestions and practical recommendations on improving corporate governance in joint stock companies in the conditions of modernization of economy.

Methods of research: systemic approach, grouping, the comparative, structural and statistical analysis.

The results obtained and their novelty: the theoretically-methodological model of corporate governance system is developed on the basis of researching management features in joint-stock companies; means of influence of shareholders on affairs of managers are scientifically proved; characteristics of investors of joint-stock company are proved and their mutual relations are systematized; increase of investment appeal as the major element of corporate governance, and investment appeal of enterprise is classified and scientifically investigated; for reception by investors of the detailed information on actions and dividends received from them, it is offered to bring in structure of operating financial reports the report on earnings per share (EPS), according to standards of the international financial reports; with a view of management motivation, the recommendation on coordination of monthly wages with enterprise incomes by transferring corporate securities on a face-value equal to 1/3 and 2/3 of total sum rewards is given.

Practical value: scientific conclusions, theoretical and practical recommendations of the dissertation can be used by the enterprises the JSC “Uzbekyengilsanoat” for effective organization of corporate governance and by educational institutions in improving curriculums.

Degree of embed and economic effectivity: a number of scientific recommendations and practical suggestions of the author are accepted to introduction by the JSC “Uzbekyengilsanoat” and can be used by institutions of higher education at teaching disciplines such as “Corporate management”, “Economic security in corporate governance”, “Anticrisis management”.

Field of application: light industry joint-stock companies, institutions of higher education.